



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil «16» июль

№ПҚ-5186

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Халқнинг бунёдкорлик қудрати жўш урган ҳозирги замонда Учинчи Ренессанснинг илмий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга мұхаббат, миллий-диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатнинг ислом цивилизациясини ривожлантириш борасидаги ролини янада ошириш ҳамда буюк алломаларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини миллий ва халқаро миқёсда оммалаштириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Маданият вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини (кейинги ўринларда – Марказ):

“Учинчи Ренессанс – Янги Ўзбекистон” ғоясини кенг тарғиб қилувчи;

мамлакат тарихининг янги юксалиш давридаги ютуқларини илмий асосда үрганувчи, уни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи;

моддий маданий мерос намуналарини, ислом дини билан боғлиқ қадимий ва бой анъаналарни тарғиб қилувчи илмий-маърифий масканга айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қўйидагилар Марказнинг янгиланган асосий вазифалари этиб белгилансин:

муқаддас ислом дини билан боғлиқ бой меросни илмий тадқиқ этиш, унинг Марказий Осиё цивилизацияси ривожидаги ўрнини инновацион усуллар орқали тарғиб қилиш;

Ўзбекистонда юз берган үмуммиллий юксалишлар, тарихий ренессансларнинг илдизлари ва мазмун-моҳиятини мамлакат аҳолиси, айниқса, ёшларга етказиш бўйича зарур чораларни кўриш;

буюк аждодларнинг жаҳон тамаддуни, диний ва дунёвий илмлар ривожига қўшган ҳиссасини энг замонавий усуллар ва воситалар орқали ёритиб бориш;

ёшларни илм-маърифатга даъват этадиган, миллийлик ва динийлик ўртасидаги үйғунлик моҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган медиа маҳсулотлар, илмий ишланма ва тавсияларни тайёрлаш;

зиёрат туризмининг илмий асослари бўйича етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга гид-таржимонларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини тизимли ошириб боришни таъминлаш;

илм-фаннынг жадал тараққиётини кўрсатиб берувчи сермазмун экспонатлар фонди, қўлёзма ва замонавий нашрлардан иборат бой кутубхоналар тизимини шакллантириш ҳамда уларнинг жаҳон музейлари ва кутубхоналари тармоғига уланишини таъминлаш;

Ўзбекистон халқининг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси бўйича фундаментал тадқиқотлар дастурлари ва илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш;

ислом цивилизациясини тадқиқ этиш соҳасининг долзарб илмий-назарий ва услубий масалаларига бағишлиланган конференциялар, симпозиумлар, кўргазмалар ва илмий маъruzалар, семинар-тренинглар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни доимий ташкил этиб бориш;

ислом цивилизацияси йўналишида амалга оширилган янги тадқиқотлар натижаларидан илмий жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, республика музейлари ва кутубхоналарида ишлаётган ходимларнинг касбий салоҳиятини ошириш бўйича илмий-амалий ва услубий тренингларни йўлга қўйиш;

ислом тарихи ва маданияти йўналишига оид билимларни ошириш, қадимий қўлёзма ва тошбосма асарларни таъмирлаш, қоғоз, китобат, муқовасозлик, хаттотлик санъатини тиклаш, ислом манбаларини ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;

“Учинчи Ренессанс – Янги Ўзбекистон” ғоясининг мазмун-моҳиятини, жумладан унинг илм-фан ривожи, динлараро ва миллатлараро бағрикенгликни таъминлашдаги роли ва аҳамиятини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш.

3. Жаҳон илм-фани тараққиёти ва цивилизациясига ҳисса қўшган аждодлар илмий меросини тадқиқ этиш ҳамда янги юксалиш давридаги ютуқларни тарғиб қилиш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

“Йўл харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашда тегишли **вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари шахсан масъул этиб белгилансин.**

4. Марказ ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Марказ директори Жамғарма маблағларининг тасарруф этувчиси ҳисобланади.

5. Қўйидагилар:

а) Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг **техник кўмак маблағлари** ва грантлари;

ҳомийлик хайриялари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарма маблағлари сарфланадиган йўналишлар этиб белгилансин:

илмий адабиётларни яратиш, чоп этиш, ноёб асарлар ва ҳужжатларни харид қилиш орқали **Марказ китоб фондини кенгайтириш**;

илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун **грантлар ажратиш**;

ижтимоий, илмий, маънавий ва маърифий тадбирларни ташкил этиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни, шу жумладан хорижий мамлакатларда ташкил қилиш;

Марказ фаолияти учун зарур бўлган **мультимедиа** ва **тармоқ қурилмалари** ҳамда дастурий таъминотларни харид қилиш, Марказ фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

Марказ икки ой муддатда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва үлардан фойдаланиш тартиби тұғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсін ва тасдиқлаш үчүн Вазирлар Маҳкамасига киритсін.

6. Марказ ҳузурида Самарқанд қоғози, муқовасозлик ва хаттотликнинг қадимий анъаналарини тиклаш бүйича устахона-лаборатория (кейинги үринларда – Лаборатория) ташкил этилсін ва Лаборатория томонидан үtkазиладиган тадқиқот синовларининг асосий йұналишлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансын.

Белгилаб қўйилсанки:

Лабораторияни ташкил этиш, айрим асбоб-ускуналар, ҳисоблаш техника воситалари, бутловчи материаллар билан таъминлаш ва үларни ўрнатиш билан боғлиқ харажатлар Жамғарма маблағлари, халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг техник күмак маблағлари (грантлари) ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Лаборатория фаолиятига соҳада етарли даражадаги билим ва иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар Марказ томонидан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида жалб қилинади ва үларнинг гонорари (иш ҳақи) Жамғарма ҳисобидан тўланади;

Лаборатория томонидан үtkазиладиган тадқиқот синовлари натижаларини, жумладан Самарқанд қоғози, муқовасозлик ва хаттотлик санъати ижодий маҳсулини реализация қилишдан тушган маблағлар Марказ ва Лаборатория фаолиятини ривожлантиришга сарфланади.

7. Марказ музейи экспозициялари ва кутубхонаси фондини шакллантириш, аҳолидан харид қилинадиган қўлёзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий ҳужжатлар, экспонатларни таҳлил қилиш, саралаш, үларнинг ноёблигини аниқлаш ва баҳолаш бүйича экспертлик комиссия (кейинги үринларда – Комиссия) тузилсин ҳамда унинг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансын.

Марказ Фанлар академияси, Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда Комиссия фаолиятини ташкил этиш тұғрисидаги низом** лойиҳасини ишлаб чиқсін ва тасдиқлаш үчүн Вазирлар Маҳкамасига киритсін.

8. Марказ ва Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшunoslik институти тарихий ёзма манбаларни марказлашган ҳолда сақлаш, тадқиқ этиш, үларнинг ҳолатини доимий мониторинг қилиш бўйича масъул давлат муассасалари этиб белгилансын.

Марказ бир ой муддатда давлат тасарруфидаги барча музей, кутубхона, архив фондлари ва бошқа давлат муассасаларидағи қадимий қўлёзма ва тошбосма манбалар рўйхатини шакллантирсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

Марказ томонидан тақдим этилган рўйхат асосида тарихий ёзма манбаларнинг босқичма-босқич Марказ тасарруфига ўтказилиши бўйича чораларни кўрсин;

ислом цивилизацияси ва зиёрат туризмининг илмий асослари бўйича етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга гид-таржимонларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини доимий ошириб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Ислом цивилизацияси ва зиёрат туризми йўналишида гид-экскурсоводларни етиштириш бўйича Марказ ҳузурида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этсин;

Марказни юқори малакали, чуқур билим ва амалий иш тажрибасига эга кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказ билан биргаликда **2022 йил 1 январга қадар:**

Марказ таркибидаги кутубхона, архив ҳамда музейда сақланаётган қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмаларни рақамлаштириш чораларини кўрсин;

рақамлаштирилган барча маълумотларни ўзида акс эттирувчи мобил иловани ишга туширсин ва аҳоли орасида унинг кенг тарғиботини амалга оширсин;

Марказ расмий веб-сайти, маълумотлар базаси ва мобил илова ўртасида **маълумотлар алмашинуви интеграциясини таъминласин.**

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

12. Марказ ва унинг таркибий бўлинмалари Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий кўчаси, 11-үй манзилидаги Ўзбекистон халқаро ислом академияси биносига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Молия вазирлиги мазкур қарорга асосан жорий йилда кўзда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш ишлари учун 2021 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағлар ажратилишини, 2022 йилдан бошлиб эса келгуси йилларда амалга ошириши белгиланган вазифалар учун Давлат бюджети параметрларида зарур маблағларнинг назарда тутилишини таъминласин.

14. Марказ манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиллик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этиш, тегишли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишга масъул ҳамда шахсий жавобгар этиб Боз вазир ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Ш. Миноваров белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 16 июлдаги ПҚ-5186-сон қарорига
1-илова

**Жаҳон илм-фани тараққиёти ва цивилизациясига ҳисса қўшган аждодлар
илемий меросини тадқиқ қилиш ҳамда янги юксалиш давридаги ютуқларни тарғиб қилиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Масъуллар
I. Илмий-тадқиқот ишлари, музей, архив, кутубхона ва қўлёзмалар фондини бойитиш тадбирлари				
1.	Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Мун Насафий, Абдулхолиқ Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломалар, шунингдек, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Маҳмуд Замахшарий, Али Қушчи каби ягона сиймоси қабул қилинмаган аждодларнинг сиймосини соҳа олимлари ва рассомлар билан биргаликда тарихий асосланган шаклда яратиш ва халқаро даражада оммалаштириш чораларини кўриш.	1. Соҳага оид олим ва мутахассислар, уламолар, етакчи портретист рассомлардан иборат бадиий груп таркибини тасдиқлаш. 2. Сиймоси яратиладиган буюк аждодлар рўйхати, ҳар бир сиймони яратувчи рассом ва бириктирилган олимлар рўйхатини шакллантириш. 3. Ҳар бир сиймони тарихий ҳужжатлар, маълумотлар, манбаларга асосланган ҳолда яратиш, кенг муҳокамалар асосида тасдиқлаш. 4. Тасдиқланган буюк аждодлар сиймоларини ЮНЕСКО, АЙСЕСКО каби халқаро ташкилотларга расмий тақдим этиш. 5. Тасдиқланган буюк аждодлар сиймоларини фильм, ролик, тақдимот материалларида, ижтимоий	2021 йил август 2021 йил сентябрь 2021-2022 йиллар 2022 йил сентябрь 2022 йилдан бошлаб	Бадиий академия, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси хўзуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази (кейинги ўринларда – Марказ), Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги

		тармоқларда, шунингдек, Марказ музейи экспозициясида кенг қамровда намойиш қилиш, халқаро даражада оммалаштириш чораларини кўриш.		
2.	<p>Илм-фан соҳасига оид хорижий тиллардаги қўйидаги китобларни ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш:</p> <p>“1001 Inventions: Enduring Legacy of Muslim Civilization” (“1001 кашфиёт: Мусулмон цивилизациясининг бардавом мероси”) номли китоб;</p> <p>“1001 Cures: Contributions in Medicine & Healthcare from Muslim Civilisation” (“1001 шифо: Мусулмон цивилизациясининг доришунослик ва табобатга қўшган ҳиссаси”) номли китоб;</p> <p>“Light from the East” (“Шарқдан Нур”) номли китоб.</p>	<p>1. Китобларни таржима қилиш ва чоп этиш шартларини келишиш.</p> <p>2. Ижодий ва таржимонлар таркибини шакллантириш.</p> <p>3. Таржималарни амалга ошириш учун грант лойиҳасини тайёрлаш ва Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этиш.</p>	<p>2021 йил август 2021 йил сентябрь 2021 йил октябрдан бошлаб режа асосида ҳар йили</p>	<p>Марказ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (кейинги ўринларда – ЎзФА Шарқшунослик институти), Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Алоҳида мұхим ижтимоий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, реконструкция, реставрация қилиш ва мукаммал таъмирлаш дирекцияси (кейинги ўринларда – Дирекция)</p>

3.	<p>Ўзбек халқига тегишли асрий анъаналар, ислом динига асосланган ҳикматли сўзлар ва мақолларнинг тавсифига бағишиланган қўйидаги номдаги рисолаларни тайёрлаш ва нашр қилиш:</p> <p>“Анъаналар: ўтмиш, бугун ва келажак” номли рисола;</p> <p>“Ўзбек халқ нақллари” номли рисола.</p>	<ol style="list-style-type: none">Ижодий ва таржимонлар грухини шакллантириш.Грант лойиҳаларини тайёрлаш.Грант натижалари асосида тайёрланган китоб матнини тайёрлаш, таҳрир қилиш ва нашр этиш.	2022 йил январь 2022 йил февраль 2022 йил май-сентябрь	Марказ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Дирекция
4.	<p>“Шарқ ва Ғарб” нодир китоблар коллекциясининг 5 тилдаги (ўзбек, араб, рус, француз ва инглиз тиллари) илмий фиҳристини тайёрлаш.</p>	<ol style="list-style-type: none">Марказ тасарруфидаги “Шарқ ва Ғарб” нодир китоблар коллекциясининг илмий фиҳристини тайёрлаш ва ўзбек, араб, рус, француз, инглиз тилларига таржима қилиш.Фиҳристнинг 1-жуз нодир китоблар суратлари, қисқача тасниф ва иллюстрация билан безатилган шаклда нашрдан чиқариш.Фиҳристнинг 2, 3 ва 4-жузларини нашрдан чиқариш.	2021 йил август 2021 йил сентябрь 2021 йил декабрь	Марказ, Дирекция
5.	<p>“Учинчи Ренессанс – Янги Ўзбекистон” китоб-фотоальбомини 4 тилда (ўзбек, рус, араб ва инглиз тиллари) тайёрлаш.</p>	<ol style="list-style-type: none">Ижодий ва таржимонлар грухини шакллантириш.Китоб-фотоальбом матнини тайёрлаш, таржима ва таҳрир қилиш.Республика бўйлаб фотосуратлар жамлаш ва саралаш.Нашр қилиш ва халқаро миқёсда тақдимотини ўtkазиш.	2021 йил сентябрь 2022 йил май 2022 йил июнь 2022 йил сентябрь	Марказ, Дирекция, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари

6.	<p>“Ўзбекистон – жаҳон цивилизацияси кесимида” мавзусида грант лойиҳасини амалга ошириш ва унинг натижалари асосида 4 тилда (ўзбек, рус, араб ва инглиз тиллари):</p> <p>монография яратиш;</p> <p>марказ музейи медиаконтентлари учун таҳлилий материаллар тайёрлаш;</p> <p>қиёсий-таҳлилий жадваллар, хариталар, инфографика тайёрлаш.</p>	<p>1. Монографияга киритиладиган мавзулар, Марказ музейи медиаконтентлари учун таҳлилий материаллар, қиёсий-таҳлилий жадваллар, хариталар, инфографика рўйхатини шакллантириш ва уларни тайёрлаш.</p> <p>2. Лойиҳа натижаларини Марказ музей экспозицияси, медиа контентлар билан уйғунлаштириш, монография чоп этиш.</p>	2021-2022 йиллар	Марказ, Дирекция, ЎзФА Шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси
7.	<p>“Ўзбекистон ислом санъати – жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми” мавзусидаги илмий маълумотларни (3 тилдаги фотоальбомли китоб, маҳсус сайт, туркум кўрсатувлар орқали) кенг жамоатчиликка етказиш.</p>	<p>1.Лойиҳа концепциясини ва техник шартларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2.heritage.cisc.uz веб-сайтини яратиш ва уни концепцияга мувофиқ материаллар билан тўлдириш.</p> <p>3.Веб-сайтнинг ўзбек, инглиз ва араб тилларида фаолият юритишини ташкил этиш.</p>	2021 йил ноябрь 2022 йил режа асосида	Марказ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Фанлар академияси, Бадиий академия, Ўзбекистон халқаро ислом академияси
8.	<p>“Ўзбекистон – ислом маданияти маркази” кўчма стендининг тайёрлаш ва хориждаги музей, галерея ва кўргазма залларида унинг намойишини ташкил этиш.</p>	<p>1. “Ўзбекистон – ислом маданияти маркази” кўчма стендининг концепцияси ва кўргазма дизайнини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Хорижий мамлакатларда намойишини ташкил қилиш.</p>	2021 йил декабрь 2022–2025 йиллар режа асосида	Марказ, Туризм ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бадиий академия, Ташқи ишлар вазирлиги

9.	<p>Құйидеги йұналишларда танлов ташкил этиш:</p> <p>“Учинчи Ренессанс – ёшлар нигоҳида” мавзусида танлов үтказиш;</p> <p>олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида илмий-изланиш олиб бораётган ёш манбашунос олимлар, тадқиқотчи ва магистрлар ўртасида танлов үтказиш.</p>	<ol style="list-style-type: none">Хамкор ташкилоттар билан берінше танлов низоми ва йүриқномасини ишлаб чиқиши.Танлов муддати ва шартларини, үтказиш тартибларини тайёрлаш.Танлов ғолибларини тақдирлаш.	<p>2021 йил декабрь</p> <p>2022 йилдан алоҳида режа асосида</p>	Ёшлар ишлари агентлиги, Марказ, Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва үрта маҳсус таълим вазирлиги
10.	Республикада фаолият күрсатаётган музей ва кутубхона ходимлари учун ўзаро тажриба алмашиш, илғор иш тажрибаларни оммалаштириш мақсадида онлайн ўқув-семинар ташкил этиш.	<ol style="list-style-type: none">Ўқув-семинар режасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш.Ўқув-семинари иштирокчилари, маъruzachi олимлар ва мутахассислар рўйхатини шакллантириш.Ўқув-семинарни юқори савияда ташкил қилиш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиши.	<p>2022-2025 йиллар режа асосида</p>	Марказ, Туризм ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
11.	Қатар миллий кутубхонаси билан ҳамкорлық доирасида у ерда сақланаётган қўлёзмаларнинг каталоглари ва электрон нусхаларини олиш.	<ol style="list-style-type: none">Қатар миллий кутубхонасидаги Марказий Осиё тарихига оид қўлёзмалар каталоглари ва нусхаларини аниқлаш.Қатар давлатида жойлашган кутубхона, университет ва фондларда сақланаётган қўлёзмалар каталоглари ва электрон нусхаларини алмашиш.	<p>2021 йил сентябрь-декабрь</p>	Марказ, Ташқи ишлар вазирлиги

12.	Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда ислом цивилизацияси тарихи ва бугуни, маърифий ислом ҳамда минтақага мос ислом илмлари ва анъаналарини ўзида акс эттирувчи манбалар бўйича илмий тадқиқотлар (магистрлик, PhD, DSc) амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш.	1. Марказ қошида фаолият кўрсатаётган Илмий кенгаш ҳамда Илмий семинар фаолияти самарадорлигини ошириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш. 2. Магистр ва ёш тадқиқотчиларнинг Марказда мунтазам равишда амалиёт ўташлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг тадқиқот ишларини амалга оширишда соҳа олимларини жалб этган ҳолда амалий ёрдамлар кўрсатиш.	2022-2025 йиллар режа асосида	Марказ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий аттестация комиссияси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
13.	Жаҳоннинг етакчи олимлари томонидан заминимизда етишиб чиқсан буюк алломалар ҳаёти ва илмий меросига бағишлиланган йирик тадқиқотларни ўзбек тилига таржима қилиш.	1. Farb ва Шарқ мамлакатларида ислом илмлари ва маданияти йўналишида илмий фаолият олиб бораётган марказларда юртимиздан етишиб чиқсан алломаларнинг асрлари бўйича ҳамда юртимиз тарихи ва ислом маданиятига оид Шарқ ва Farb тилларида ёзилган тадқиқотларни аниқлаш ва рўйхатини тузиш. 2. Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда ислом цивилизацияси ва Ўзбекистонда ренессанс даврлари бўйича қилинган тадқиқотларни саралаш ва таснифлаш.	2022-2025 йиллар режа асосида	Марказ, ЎзФА Шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари

		<p>3. Йирик тадқиқот ишларини таржима қилиш режасини тузиш ҳамда таржимонлар гурухини шакллантириш, халқчил тарзда ўзбек, рус, инглиз ва араб тилларига таржима қилиш ишларини амалга ошириш ва мунтазам нашр этиб бориш.</p>		
14.	Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарининг илмий-изоҳли, академик таржимасини амалга ошириш ва нашр этиш.	<p>1. Бурҳониддин Марғиноний “Ҳидоя” асарининг муқаммал ва муаллифга яқин кўчирилган қўлёзма нусхасини аниқлаш ҳамда асар бўйича араб ва бошқа тилларда қилинган тадқиқотларни аниқлаш ва жамлаш.</p> <p>2. Асарни таржима қилиш бўйича таржимонлар гурухини шакллантириш.</p> <p>3. “Ҳидоя” асарини тўлиқ академик таржимасини амалга ошириш учун грант лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>	2021-2025 йиллар режа асосида	Марказ, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Дирекция
15.	Ислом тарихи ва маданияти йўналишига оид билимларни ошириш, хорижий тиллар, араб тили ва ёзувини (хаттотлик), қадимий қўлёзма ва тошбосма асарларни қайта таъмирлашни (реставрация), Қуръони каримни ўрганиш, гид-таржимонлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини	<p>1. Курсларнинг ўқув дастурлари ва ўқув режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ўқув жараёнига соҳанинг тажрибали олимлари, педагоглари ва мутахассисларини жалб қилиш.</p> <p>3. Ўқув курсларини юқори савияда ташкил этиш.</p>	2021 йил августдан ҳар йили режа асосида	Марказ, ЎзФА Шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон

	ошириш бўйича мақсадли ўқув курслари фаолиятини йўлга қўйиш.			мусулмонлари идораси, Туризм ва спорт вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси
II. Маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари				
16.	Бухоро шаҳрида “Ислом каллиграфияси ва наққошлиқ” танловини ўтказиш ва унинг якуни бўйича Ислом каллиграфия галереясини ташкил этиш.	1.“Ислом каллиграфияси ва наққошлиқ” танловининг концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш. 2. Танловни эълон қилиш ва уни ўтказиш. 3. Танлов якуни бўйича каллиграфия намуналари галереясини ташкил этиш.	2021 йил сентябрь 2021 йил октябрь	Марказ, Туризм ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бадиий академия, Бухоро вилояти ҳокимлиги
17.	“Аждодларга муносиб авлод бўлайлик” шиори остида таълим муассасалари талаба-ўқувчилари ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш.	1. Тадбирлар концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш. 2. Тадбирлар иштирокчилари рўйхатини шакллантириш. 3. Тадбирларни ташкил этиш, уларнинг ОАВда ёритилишини таъминлаш.	2022-2025 йиллар ҳар йили ёшлар куни арафасида	Ёшлар ишлари агентлиги, Марказ, Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
18.	“Аждодлар мероси – ибрат ва тарбия манбаи” шиори остида республика маҳаллаларида маънавий тарғибот ишларини амалга ошириш.	1. Ҳамкор ташкилотлар билан биргалиқда тадбирлар режаси ва дастурини ишлаб чиқиш. 2. Тадбирлар ўтказиладиган маҳаллалар рўйхатини шакллантириш ва ўтказиш муддатларини белгилаш. 3. Тадбирни ташкил этиш ва унинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш.	2021 йил декабрь 2022-2025 йиллар ҳар йили режа асосида	Марказ, Фанлар академияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси

19.	Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишиланган туркум мавзудаги маданий-маърифий тадбирлар ва нашр ишларини ташкил этиш.	1. “Ўзбекистон – ислом цивилизацияси маркази” журналининг махсус сонини чоп этиш. 2. Телерадиоканалларда шу мавзуга оид туркум кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш. 3. Маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш. 4. Мавзуга оид мақолалар, буклетлар ва бошқа тарқатма материаллар тайёрлаш.	2021 йил август-сентябрь	Марказ, Дин ишлари бўйича қўмита, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
20.	Диний таълим муассасаларида буюк алломаларимиз илмий меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этишга қаратилган “Мусулмон шарқида илм-фан ривожи ва ҳозирги замон” мавзууда танловлар ва илмий-маърифий давра суҳбатларини ўтказиш.	1. Танловлар ва давра суҳбатлари режасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. 2. Танловлар ва давра суҳбатига соҳа олимлари ва мутахассисларни жалб этиш. 3. Танловлар ва давра суҳбатини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	2022 йилдан бошлаб ҳар йили режа асосида	Марказ, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, “Зиё” медиа маркази, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
21.	Телерадиоканаллар орқали юртимиз алломаларининг ибратли ҳаёти ва бой илмий-маънавий мероси ҳақида кўрсатувлар, давра суҳбатлари ва эшиттиришлар тайёрлаш.	1. Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар мавзуси ва сценарийсини тайёрлаш. 2. Миллий телерадиоканалларда, шу жумладан “Ўзбекистон 24”, “Ўзбекистон”, “Ўзбекистон тарихи”, “Ёшлар”, “Маданият ва маърифат”, “Маҳалла” телерадиоканалларида	2021-2025 йиллар режа асосида	Марказ, Фанлар академияси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Зиё” медиа маркази,

		<p>ислом тарихи, маданияти, ривожланиш тенденциялари, дин соҳасидаги ислоҳотлар, виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишларни ёритишга қаратилган туркум мавзудаги телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни эфирга узатиш.</p>		Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
III. Халқаро ҳамкорлик йўналишида амалга ошириладиган тадбирлар				
22.	<p>Хорижий давлатлардаги шу жумладан Сулаймония кутубхонаси қўлёзмалар фонди (Туркия), Худобахш кутубхонаси қўлёзмалар фонди (Ҳиндистон), Техрон давлат музейи (Эрон), Ал-Азҳар қўлёзмалар фонди, Миср Фанлар академияси қўлёзмалар фонди (Миср), Париж миллий кутубхонаси фонди (Франция), Берлин миллий кутубхонаси (Германия), Оксфорд ислом тадқиқотлар маркази фонди (Англия), Санкт-Петербург шарқшунослик институти қўлёзмалар фондларида (Россия) кабиларда сақланаётган Ўзбекистон тарихига оид манбаларнинг электрон ёки факсимиле нусхаларини Ўзбекистонга олиб келиш чораларини кўриш.</p>	<p>1. Қўлёзмалар электрон нусхаларини олиш бўйича хорижий давлатларда соҳада фаолият кўрсатаётган ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш. 2. Қўлёзмаларни аниқлаш, рўйхатини тузиш. 3. Электрон нусхаларини мамлакатимизга олиб келиш чораларини кўриш.</p>	<p>2022 йил январь–июнь</p> <p>2022–2024 йиллар</p> <p>2022–2024 йиллар</p>	<p>Марказ, Ташқи ишлар вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Ином Бухорий, Ином Термизий, Ином Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари</p>

23.	<p>Хорижий давлатлардаги турдош ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва меморандумлар имзолаш, жумладан:</p> <p>“Ипак йўли халқаро кутубхоналар иттифоқи” (Silk Road International Library Alliance);</p> <p>Австралия Ислом музейи, Малайзиядаги Ислом санъати музейи ва бошқалар.</p>	<p>1. Ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ва меморандум лойиҳаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ҳамкор ташкилотлар билан меморандумларни имзолаш.</p>	2022 йил январь-июнь режа асосида	Марказ, Ташқи ишлар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
24.	<p>Саудия Арабистони Подшоҳлиги Қирол Файсал номидаги Ислом тадқиқот ва изланишлар маркази имкониятларидан кенг фойдаланиш, ҳамкорлиқда тадбирлар ташкил этиш, қўлёзмаларни рақамлаштириш ва электрон манбалар алмашиш, шунингдек, Марказнинг Ар-Риёз шаҳрида филиалини очиш чораларини кўриш.</p>	<p>1. Саудия Арабистони Қироллиги Қирол Файсал номидаги Ислом тадқиқот ва изланишлар маркази билан ҳамкорлик шартларини келишиб олиш.</p> <p>2. Қирол Файсал номидаги Ислом тадқиқот ва изланишлар марказида сақланаётган қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини олиш.</p> <p>3. Марказнинг Ар-Риёз шаҳрида филиалини очиш чораларини кўриш.</p>	2021 йил октябрь 2022 йил январь 2022-2023 йиллар	Марказ, Ташқи ишлари вазирлиги
25.	<p>Ўзбекистоннинг ислом билан боғлиқ меросини ҳамда юртимиздан етишиб чиқсан мусулмон олимларининг ҳаёти ва илмий асарларини ўрганган маҳаллий ва хорижий олимлар</p>	<p>1. Ўзбекистоннинг ислом билан боғлиқ меросини ўрганган маҳаллий ва хорижий олимлар, тадқиқотчилар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Маҳаллий ҳамда хорижий олим ва тадқиқотчилар билан алоқаларни ўрнатиш, Марказ томонидан ташкил</p>	2022 йил январь 2022 йилдан доимий равища	Фанлар академияси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ином Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, ЎзФА Шарқшунослик институти, Марказ,

	ҳамда тадқиқотчилар ҳақида маълумотлар базасини яратиш.	этилаётган конференция ва давра сұхбатларида уларнинг иштирокини таъминлаш, мақола, рисола, китоб, монографиялар яратиш ва илмий тадқиқотларни амалга оширишда ҳамкорликни йўлга қўйиш.		Ташқи ишлари вазирлиги
26.	Дунё фондларида сақланаётган Ўзбекистон заминидан етишиб чиқсан буюк шахслар, улар томонидан асос солинган илмий ва диний мактабларга доир қадимий китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, шу йўналишдаги замонавий илмий-тадқиқот ишлари, китоб ва тўпламлар бошқа ҳужжатларнинг электрон нусхаларини олиш ва Марказ фондига тақдим этиш чораларини кўриш.	1. Хорижий ва маҳаллий мутахассислардан иборат ишчи групини шакллантириш. 2. Қўлёзмаларни аниқлаш, рўйхатини тузиш, электрон нусхаларини ҳомийлик маблағлари асосида мамлакатимизга олиб келиш чораларини кўриш. 3. Қўлёзмаларни ўрганишни йўлга қўйиш.	2022 йил январь 2022-2025 йиллар режа асосида	Ташқи ишлар вазирлиги, Ином Бухорий, Ином Термизий, Ином Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Марказ
27.	Ўзбекистондаги соҳага оид илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликда “Шарқ алломаларининг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси” мавзусидаги халқаро конференция ташкил этиш.	1. Ишчи групини шакллантириш. 2. Тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасининг фармойишини тайёрлаш. 3. Конференцияга хорижнинг нуфузли шарқшунос ва исломшунос олимлари, эксперт ва мутахассисларини жалб этиш. 4. Конференцияни юқори даражада ўtkазиш ва тадбирни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	2022 йил февраль 2022 йил март 2022 йил апрель 2022 йил май	Дин ишлари бўйича қўмита, Марказ, ЎзФА Шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ином Бухорий, Ином Термизий, Ином Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ташқи ишлар вазирлиги

IV. Ташкилий чора-тадбирлар

28.	Марказ музейи экспозициялари ва кутубхонаси фондини шакллантириш, аҳолидан харид қилинадиган қўлёзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий ҳужжатлар, экспонатларни таҳлил қилиш, саралаш, уларнинг ноёблигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича комиссия фаолиятини йўлга қўйиш.	1. Комиссия фаолияти тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш, тегишли вазирлик идоралар билан келишиш. 2. Низом лойиҳасини ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш.	2021 йил август 2021 йил сентябрь	Марказ, ЎзФА Шарқшунослик институти, Маданият вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги, Ўзбекистон халқаро ислом академияси
29.	Самарқанд қоғози, мӯқовасозлик ва хаттотлиknинг қадимий анъаналарини тиклаш бўйича устахона-лабораторияни ташкил этиш чораларини кўриш.	1. Лабораторияни зарур бўлган асбоб-ускуналар билан таъминлаш; 2. Лабораторияга тажрибали мутахассисларни жалб этиш ҳамда уларнинг соҳага оид маҳаллий ва хорижий муассасаларда малакасини оширишни ташкил қилиш. 3. Марказ музейида Самарқанд қоғозига оид экспозиция ташкил қилиш.	2021 йил ноябрь 2021 йил декабрдан бошлаб 2022 йил апрелдан бошлаб	Марказ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Фанлар академияси, Маданият вазирлиги, “Ҳунарманд” ўюшмаси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Дирекция
30.	Марказда даврий ва илмий нашрлар, тарқатма материаллар, соҳага оид китоб-журналлар чоп этишни ташкил этиш мақсадида босмахона фаолиятини йўлга қўйиш.	1. Соҳада тажрибали мутахассислардан иборат гурӯҳни шакллантириш. 2. Марказ биноси фойдаланишга топширилгунга қадар босмахонани вақтинчалик Ўзбекистон халқаро ислом академиясида жойлаштириш.	2021 йил октябрь 2021 йил декабрь	Марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги,

		<p>3. Босмахона учун зарурый жиҳоз, ускуна ва иш материалларининг таркибини белгилаш, уларни харид қилиш чораларини кўриш.</p> <p>4. Марказда даврий ва илмий нашрлар, тарқатма материаллар, шунингдек, буюртма асосида соҳага оид мавзудаги китоб-журналлар нашрини йўлга қўйиш.</p>	2022 йил январь 2022 йил февраль	Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Дирекция
31.	Марказ Ахборот-мультимедиа бўлимининг моддий-техника базасини яратиш.	<p>1. Тажрибали мутахассислардан иборат мультимедиа групхини шакллантириш.</p> <p>2. Ахборот-мультимедиа бўлимини вақтингчалик Ўзбекистон халқаро ислом академиясида жойлаштириш.</p> <p>3. Марказнинг даврий кўрсатувлари, интервьюлари, тақдимот роликлари, шунингдек, музей экспозицияси намойишидаги медиаконтентлар учун медиа материалларни тайёрлаш ва намойишини йўлга қўйиш.</p> <p>4. Марказ биносининг қурилиши жараёнида ахборот-мультимедиа бўлими жойлашадиган хоналарда зарурый коммуникациялар тизимларининг ўtkазилишини таъминлаш.</p>	2021 йил октябрь 2021 йил декабрь 2022 йил январь 2022 йил апрель-сентябрь	Марказ, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, “Ўзоғирсаноатлойиҳа” АЖ, Дирекция

		<p>5. Ахборот-мультимедиа бўлими учун зарур жиҳозлар таркибини белгилаш, харид қилиш чораларини кўриш.</p> <p>6. Ахборот-мультимедиа бўлимининг тўлақонли фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	2022 йил декабрь		
32.	Ўзбекистондаги цивилизацияси ривожлантириш ташкил этиш.	Ислом марказини жамғармасини	<p>1. Жамғарма тўғрисидаги Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан келишиш.</p> <p>2. Низом лойиҳасини ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш.</p>	<p>2021 йил август</p> <p>2021 йил сентябрь</p>	<p>Марказ, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги</p>
33.	Марказ веб-сайти фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уни илмий ва ахборот материаллари билан мунтазам равишда тўлдириб бориш.		<p>1. Марказ веб-сайтини янада такомиллаштириш, хорижий тиллардаги шакли ва онлайн мулоқот форматлари фаолиятини йўлга қўйиш.</p> <p>2. Марказ веб-сайти орқали Музей экспозициясига виртуал ташриф ҳамда Марказ кутубхонаси электрон китоблар базасига кириш ва фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Марказ фаолиятини ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда тарғиботини жадаллаштириш.</p>	<p>2021 йил сентябрь</p> <p>2022 йил январь</p> <p>Доимий асосда</p>	<p>Марказ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</p>

34.	<p>Кутубхона ва архив учун энг замонавий кўп хотирави ва ҳимояланган серверлар ўрнатиш.</p>	<p>1. Жаҳоннинг энг етакчи кутубхоналари тажрибаси, уларда фойдаланилаётган жиҳозлар ва дастурлар ҳақида маълумотлар базасини яратиш.</p> <p>2. Маҳаллий ва хорижий ширкатларнинг жиҳозлаш ва дастурлаш бўйича таклифларини ўрганиш.</p> <p>3. Кутубхона ва архив учун энг замонавий, катта хотирави, қулай ва кучли ҳимояланган серверлар ўрнатиш чораларини кўриш.</p> <p>4. Марказнинг сервер фаолиятига масъул ходимларининг малакасини ошириш, сервернинг техник созлигини таъминлаш чораларини кўриш.</p>	2021 йил август-декабрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Марказ, "UZINFOCOM" давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор, "Ўзоғирсаноатложиҳа" АЖ, Ташқи ишлар вазирлиги, Дирекция
35.	Марказ фаолиятида рақамли технологияларни жорий қилиш.	<p>1. Жаҳоннинг етакчи музей, кутубхона ва турдош марказлари тажрибаси, уларда фойдаланилаётган жиҳозлар ва дастурлар ҳақида маълумот тўплаш.</p> <p>2. Бино, музей, кутубхонага кириччиқиши, экспозиция намойиши, маълумотлар олиш ҳамда хавфсизлик тизимларидан фойдаланишини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш бўйича дастуррежалар ишлаб чиқиш, зарурий жиҳозлар рўйхатини шакллантириш.</p>	2021 йил август-декабрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Марказ, "UZINFOCOM" давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор, "Ўзоғирсаноатложиҳа" АЖ, Дирекция

		3. Марказ фаолиятида рақамли технология соҳасини жорий қилиш.	2022 йил декабрь	
36.	Қўлёзма ва тошбосма китобларни рақамлаштириш учун энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ташкил этиш.	1. Хорижий давлатлардаги илғор музей, кутубхона ва илмий-тадқиқот марказлари тажрибаси, уларда фойдаланилаётган жиҳозлар ҳақида маълумот тўплаш. 2. Маҳаллий ва хорижий ширкатларнинг таклифларини ўрганиш. 3. Марказ биносининг қурилиши жараёнида рақамлаштириш жиҳозлари жойлашадиган хоналарни зарурий коммуникациялар ўtkазилишини таъминлаш. 4. Марказ фондларидағи қўлёзма ва тошбосма китобларни рақамлаштиришни йўлга қўйиш.	2021 йил август-декабрь 2022 йил январь - март 2021-2022 йиллар 2022 йил декабрь	Марказ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “UZINFOCOM” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор, “Ўзоғирсаноатлоиҳа” АЖ, Дирекция
37.	Марказ музейига виртуал 3D ташриф дастурини тайёрлаш, дастурнинг онлайн ва мобил илова шаклда бир неча тилда ишлишини, экспозиция ўзгариши билан доимий янгиланиб туришини таъминлаш.	1. Музей экспозициясининг “Илм-фан” бўлимида намунавий намойиши ҳудуди 3D ташриф дастурини тайёрлаш. 2. Марказ музейи экспозицияси тўлиқ шакллантирилгач, музейга виртуал 3D ташриф дастурини тайёрлаш, дастурнинг бир неча тилда, онлайн ва мобил илова шаклда ишлатиш.	2021 йил август 2023 йил май	Марказ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “UZINFOCOM” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор, Дирекция

		3. Музей экспозиция ўзгариши билан виртуал 3D ташриф дастурининг доимий янгиланиб, бойитиб борилишини таъминлаш.	2023 йилдан бошлаб	
38.	Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича доимий қўмитаси – COMSTECH билан ҳамкорликда дунё кутубхоналари фондларида сақланаётган исломга оид ҳамда мусулмон мамлакатлари олимлари томонидан яратилган манбалар, қўлёзма, тошбосма ва замонавий нашрларнинг ягона электрон базасини яратиш.	<p>1. Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар соҳаларида ҳамкорлик қилиш бўйича доимий қўмитаси – COMSTECH ва Марказ ўртасида имзоланган меморандум доирасида мавзу бўйича дастлабки келишувга эришиш.</p> <p>2. COMSTECH билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишлар режа-дастури, ягона электрон база концепцияси, ҳамкорлик йўналишлари бўйича шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Электрон манбалари бирлаштириладиган кутубхона ва фонdlар таркибини белгилаш ҳамда келишувларга эришиш.</p> <p>4. Исломга оид ҳамда мусулмон мамлакатлари олимлари томонидан яратилган манбалар, қўлёзма, тошбосма ва замонавий нашрларнинг ягона электрон базасини яратиш ва умумфойдаланувдаги фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	2021 йил декабрь 2022 йил октябрь 2022-2024 йиллар 2025 йил январь	Марказ, Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, “UZINFOCOM” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 16 июлдаги ПҚ-5186-сон қарорига
2-илова

**Самарқанд қоғози, муқовасозлик ва хаттотликнинг
қадимий анъаналарини тиклаш бўйича устахона-лаборатория
томонидан ўтказиладиган тадқиқот синовларининг
АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

1. Самарқанд қоғозининг қадимий ишлаб чиқариш технологиясини тиклаш ҳамда муқовасозлик ва хаттотлик санъатининг илмий асосларини ўрганиш.

2. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида сақланаётган Самарқанд қоғозига ёзилган қадимий қўлёзма ва тошбосма асарлар варақларини илмий тадқиқ қилиш.

3. Эскирган ва яроқсиз ҳолатга келган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар ҳамда асарларни замонавий технологиялар асосида таъмирлаш, муқовалаш ва тиклаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш.

4. Мамлакатимиздаги фондларда сақланаётган қўлёзма китоб ва ҳужжатларни таъмирлаш учун яроқли қоғоз турларини яратиш.

5. Хорижлик саёҳатчилар, қадимий Самарқанд қоғози мухлислари ва анъанавий миниатюра санъати билан шуғулланаётган рассомлар учун қоғоз намуналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

6. Анъанавий Самарқанд қоғози устида илмий-амалий тадқиқот ўтказиш истагида бўлган фуқаролар учун илмий-тадқиқот материалларини тайёрлаш.

7. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази музейига ташриф буюрувчилар учун Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш, муқовасозлик ва хаттотлик санъати бўйича жонли экспозицияни яратиш.

8. Муқовасозлик ва хаттотлик санъати бўйича Марказда ўқув курсларини жорий қилиш ҳамда аҳоли ўртасида ушбу ноёб санъат турлари бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларини кенг тарғиб қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 16 июлдаги ПҚ-5186-сон қарорига
З-илова

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси
маркази музейи экспозициялари ва кутубхонаси фондини шакллантириш,
аҳолидан харид қилинадиган қўлёзма, тошбосма, босма асарлар, тарихий
ҳужжатлар, экспонатларни таҳлил қилиш, саралаш, уларнинг ноёблигини
аниқлаш ва баҳолаш бўйича экспертлик комиссия**

ТАРКИБИ

- | | |
|-----------------|--|
| 1. А. Мансуров | – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директорнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ўринbosари, Комиссия раиси |
| 2. Ш. Зиёдов | – Ином Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори |
| 3. З. Исломов | – Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори |
| 4. В. Файзиева | – Ўзбекистон давлат санъат музейи директори |
| 5. Ж. Исмоилова | – Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори |
| 6. Х. Файзиев | – Ўзбекистон Фанлар академияси Темурийлар тарихи давлат музейи директори |
| 7. Д. Махсудов | – Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Ином Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори |
| 8. Ш. Садиков | – “Ўзархив” агентлиги директорининг ўринbosари |
| 9. М. Усмонов | – Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Манбалар хазинаси” бўлими мудири |
| 10. Ш. Исломов | – Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Шарқ қўлёзмалари фонди бўлими мудири |
| 11. К. Махкамов | – Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси мудири |
| 12. М. Кенжаев | – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ислом дини меросини сақлаш бўлими бошлиғи |
| 13. Д. Мухсимов | – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази бош юрисконсульти, Комиссия котиби |

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, ушбу лавозимларга тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишили функцияларни бажариш юкланган шахслар таркибга киритиласди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 16 июлдаги ПҚ-5186-сон қарорига
4-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
айрим қарорларига киритилаётган
Қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3080-сон қарорида:

а) 5-банд:

қўйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:


“2021 йил 1 августдан бошлаб Марказ директори, унинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ўринbosари, илмий маслаҳатчиси ва илмий ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги “Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 233-сонли қарорида назарда тутилган базавий лавозим маошлари 2,3 баравар оширилган ҳолда татбиқ этилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармонида назарда тутилган оширилган коэффициентлар Марказ директори, унинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ўринbosари, илмий маслаҳатчиси ва илмий ходимларига татбиқ этилмайди.”;

учинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 1-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг ТУЗИЛМАСИ



в) 2-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг фаолиятини
қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириш бўйича
vasiylik kengashining
ТАРКИБИ**

- | | |
|---------------------|---|
| 1. А. Арипов | – Баш вазир, <i>Vasiylik kengashi raisi</i> |
| 2. Ш. Миноваров | – Ўзбекистон Республикаси Президентиг маслаҳатчиси |
| 3. Х. Султонов | – Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси-Спичрайтери |
| 4. Б. Мусаев | – Баш вазир ўринбосари |
| 5. Ж. Қўчқоров | – Баш вазир ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири |
| 6. С. Умурзаков | – Баш вазир ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири |
| 7. А. Абдуҳакимов | – Баш вазир ўринбосари – туризм ва спорт вазири |
| 8. А. Комилов | – ташқи ишлар вазири |
| 9. О. Назарбеков | – маданият вазири |
| 10. А. Тошқулов | – олий ва ўрта маҳсус таълим вазири |
| 11. Т. Ишметов | – молия вазири |
| 13. Р. Давлетов | – адлия вазири |
| 12. Б. Зокиров | – қурилиш вазири |
| 13. М. Азимов | – Давлат божхона қўмитаси раиси |
| 14. Ж. Артикходжаев | – Тошкент шаҳар ҳокими |
| 15. А. Усмонов | – Россиялик тадбиркор |
| 16. С. Тошбоев | – Дин ишлари бўйича қўмита раиси |
| 17. У. Алимов | – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий |
| 18. Б. Йўлдошев | – Ўзбекистон Фанлар академияси президенти |
| 19. Ж. Исмоилова | – Ўзбекистон давлат тарихи музейи директори |
| 20. М. Ходжиматов | – Маънавият ва маърифат маркази раҳбари |
| 21. Лавозими бўйича | – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директорининг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ўринбосари, <i>Vasiylik kengashi котиби</i> |

Изоҳ. Васийлик кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг маркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қўйидаги мазмундаги 41-банд билан тўлдирилсинг:

“41. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази музейи экспозицияси, музей ва кутубхона фондларини шакллантириш мақсадида хорижда ва Ўзбекистонда тайёрланадиган экспонатлар, санъат асарлари, суратлар, ҳайкаллар ва бюстлар, гиламлар, матолар, қўлёзмалар ва нашр асарлари нусхалари, хариталар, паннолар, стендлар, видео-аудио ва юқори технологик намойишлар учун материалларнинг хариди.”.

